

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ОСТОНАСИ БЎЛГАН ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ КИРИБ БОРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда маҳалла институтини ислоҳ қилиш ва уни халқ ҳаётига яқин, самарали тизимга айлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Маҳаллада “еттилик” тизими жорий қилиниб, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилган ҳисобига 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқди, ишсизлик даражаси 2 баробар қисқарди. Шунингдек, 3,5 минг маҳалла қиёфаси замонавий кўринишга келди.

Маҳалла раисларининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилди. Улар бошчилигида “еттилик” вертикал тизими яратилди, етарли шароит, ресурс ва ваколатлар берилди. Маҳалладаги ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, иш ўрни яратиш учун маҳаллаларга банкир ва солиқчилар бириктирилди, инфратузилмага ҳам алоҳида маблағ ажратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари булардан самарали фойдаланиб, натижа кўрсатаётган маҳаллалар кўпчилиги, лекин айримлари ягона жамоа бўлиб ишлаб кетишни ҳали-гача ўрганмаганини кўрсатиб ўтди.

— Норин туманидаги Шўраиқ маҳалласига борганим вилоят ҳокимлари, республика, вилоят, туман раҳбарлари, “еттилик”нинг кўзини очиб, уларни сифат ва компетенцияни оширишга ундаши керак, — деди Президент.

Ўтган ҳафта имзоланган қарорга мувофиқ, Янги Ўзбекистон руҳи қирриб бориши керак бўлган 33 та туман ва 330 та огир маҳалла белгилаб олинди.

Бу туманларнинг ҳар бирига 100 миллион сўмдан, 330 та маҳалланинг ҳар бирига эса 5 миллион сўмдан маблағ ажратилади. Жаҳон банки ва Ислом тараққиёт банкидан жалб қилинган 100 миллион доллар ҳам мазкур мақсадларга қаратилади. Бундан ташқари, ушбу туман ва маҳаллалардаги “драйвер” лойиҳалар инфратузилмаси учун яна 2 триллион сўм ажратилади.

Умуман, бу дастурни молиялаштириш учун 7 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Вилоят ҳокимларининг ўзи ҳам 2 тадан, туман ҳокимлари эса 1 тадан огир маҳаллани белгилаб, уларга 5 миллион сўмдан йўналтириши, яна 236 та маҳалла аҳолиси турмушида кескин ўзгариш қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Бир ой олдин “Ташаббусли бюджет” бўйича янги қарор қабул қилиниб, маҳаллада аҳолининг ўзи фаол бўлиб бошлаган лойиҳаларга кўмак берадиган тизим жорий қилинди. Бунда қайси маҳаллада аҳоли йўл, сув, мактаб, боғчани таъмирлашни бошлаган бўлса, харажатининг ярмини давлат қоплаб беради. Бу мақсадлар учун келгуси йилда яна 1 мингта лойиҳага 500 миллион сўм ажратилади. Президентимиз бу борада яна бир янгиллини эълон қилди. Жорий йилдан бошлаб Солиқ қўмитаси ер ва мол-мулк солиқлари тўланганлик даражасига қараб, “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рейтингини эълон қилади.

Бунда 100 таллика кирган маҳаллага “Ташаббусли бюджет”нинг янги тизимини бўйича инфратузилма харажатининг 75 фоизи бюджетдан тўлаб берилади. Шунингдек, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирига қўшимча 2 миллион сўмдан ажратилади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳар бирига ўз округидаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун 3 миллион сўмдан маблағ берилади.

Худуддаги санитария, экология ва ноқонуний қурилиш бўйича жарималарнинг 10 фоизи маҳалла бюджетига йўналтирилади. Маҳаллалар бюджетига 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 200 миллион сўмдан ажратилади.

Умуман, ушбу манбалар ҳисобидан келгуси бир йил учун 2 мингта маҳаллага қўшимча 8,5 триллион сўм маблағ берилади.

Туман ҳокимлари ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, “маҳалла еттилиги” билан янги ёндашувлар асосида ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Масалан, Норин туманидаги Шўраиқ маҳалласи атрофидаги яна 6 та маҳаллага хизмат кўрсатадиган марказга айланмоқда. Бундан руҳланиб, ўнлаб тадбиркорлар турли лойиҳаларни илгари сурди. Ушбу маҳаллаларга архитектор ва

урбанист жалб қилингани натижасида 7 та маҳалла қиёфасини бутунлай ўзгартириш учун имконият пайдо бўляпти.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига “Ислохотлар штаби” билан бирга биринчи босқичда 33 та туман ва 330 та маҳаллада ишларни ана шундай ёндашув асосида йўлга қўйиш топширилди.

Йиғилишда маҳаллаларда тадбиркорлик лойиҳаларини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Барча маҳаллада ихтисослашувни охирига етказиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бунда маҳаллалар аҳолиси билан учрашиб ва уларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, аниқ ихтисослигини белгилаш, камида 200 минг аҳолини банд қиладиган микро-лоиҳаларни шакллантириш топширилди.

Маҳаллаларга 2 минг квадрат метргача бўш давлат объектларини аукционга чиқариш ваколати берилган. Эндиликда маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси бўш турган 5 минг квадратгача бўлган давлат мулкни аукционга чиқариши мумкин бўлади. Сотувдан тушган маблағнинг 70 фоизи маҳалланинг ўзида қолади ва инфратузилмага сарфланади.

Шу билан бирга, маҳалла биноларини замонавий сервис объектига айлантириш учун тадбиркорларга қўшимча енгилликлар берилади.

Жумладан, шаҳар ва вилоят марказида тадбиркорлар томонидан қурилиб, пастки қаватида “маҳалла еттилиги” жойлашадиган бинолар 3 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади. Қишлоқ жойларда эса бу имтиёзлар 7 йил этиб белгиланади. Бино эгаси бўлган тадбиркорлар ушбу муддат давомида фойда ва айланмадан солиқни 50 фоз пасайтирилган ставкада тўлайди.

Йиғилишда маҳаллалардаги ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси бўйича ечим топилиши керак бўлган бир қатор масалалар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, оилалар ажримлари, алимент тўлашдан бўйин товлаш, оиласи ва болаларини кредит қарзлари билан ташлаб кетиш ҳолатлари учраётгани, яқин қариндорлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари барчани — ҳокимлар,

“маҳалла еттилиги”, нуронийлар, бутун жамоатчилиқни қаттиқ ташвишга солиши кераклиги қайд этилди.

Оила қуриш бу — нафақат ўзи, балки турмуш ўртоғи ва фарзандлари олдидаги катта масъулият эканини ёшларга тушунириш, ажримлар оқибатида тарафлар, айниқса, фарзандлар огир моддий аҳволга тушишининг олдини олиш мақсадида никоҳ шартномаси тузишнинг афзалликлари тарғиб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Айрим маҳаллалар, кўчалар, қурилишлар атрофи, ариқлар, хиёбонларда озодалик талабларига риоя этилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан бутун республикада тозалик ва озодалик ойлиги эълон қилиниши белгиланиб, ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимига, ободонлаштиришга масъул ҳоким ўринбосарларига тегишли топшириқлар берилди.

Эндиликда “еттилик”, маҳалла аҳолиси яшил ҳудуд қилиш ташаббуси билан чиқса, туман ҳокими 10 сотихгача ер майдони ажратиб бериши белгиланди. Ҳокимлар ва “еттилик” бунинг устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилиши, бу ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланилса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлиши ҳақида огоҳлантирилди.

Мутасаддиларга “еттилик” фаолиятини комплекс баҳолайдиган тизимни ишга тушириш топширилди.

Туман ҳокимлари йил якунига кўра яхши ишлаган 10 та “еттилик”нинг барчасини мукофотлаш, уларга қўшимча устамалар беришни йўлга қўяди. Бундан буён “еттилик” ходимлари билан ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида йиғилиш ўтказиш таққилиниши белгиланди.

— Ислохотларимизнинг остонаси бўлган ҳар бир маҳаллага Янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш, энг аввало, “маҳалла еттилиги”нинг ягона жамоа бўлиб ишлашига беvosита боғлиқ, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда мутасаддилар ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, маҳалла раислари билан мулоқот қилинди.

ЎЗА

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражадаги келишувлари амалга ошириш нуктаи назаридан янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг асосий кўрсаткичлари ўсиш суръатини сақлаб қолиш, шунингдек,

икки мамлакат ҳудудлари даражасидаги кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуманитар ҳамкорлик, энг аввало, маданият, санъат ва таълим соҳаларида, шу жумладан, муҳандис кадрларни тайёрлаш борасида кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

ЎЗА

Нуктаи назар

КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Марказий Осиё минтақаси Осиё ва Европани боғлаб турувчи муҳим стратегик ҳудуд сифатида доим дунё ҳамжамияти эътибор марказида туради. Ўзбекистон эса минтақанинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти яхшиланишига катта ҳисса қўшадиган муҳим, энг кўп аҳолига эга, савдо-иқтисодий алоқаларни кучайтиришда ташаббускор, жонбозлик кўрсатаётган давлатлардан бири.



Бугунги кунга келиб минтақа давлатлари билан ҳамкорлик мутлақо янги босқичга чиқиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиши, яхши қўшничилик сиёсати кучайишида ҳам Ўзбекистоннинг оқилона ташқи сиёсатининг ўрни ва аҳамияти катта. Марказий Осиё мамлакатлари билан очиқ, амалий, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга қаратилган фаол

ташқи сиёсати Президентимизнинг ўзи-га хос “ташриф қоғози”га айланди. Илк расмий ташрифлар ҳам айнан минтақа мамлакатларига амалга оширилгани сўзини исботлайди. Натижада минтақада бутунлай янги, очиқ, соғлом ва дўстона сиёсий-иқтисодий, маданий-гуманитар муҳит яратилди.

Давоми 2-бетда

Бугуннинг гапи

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТАРАҚҚИЁТ, РАҚАМЛИ СУВЕРЕНИТЕТ ВА БАРҚАРОР КЕЛАЖАК КАЛИТИ



XXI асрда сунъий интеллект ҳар бир мамлакатнинг барқарор ривожланишида алоҳида ўрин тутмоқда. Энди у самарадорликни ошириш воситаси бўлибгина қолмай, мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий ва сиёсий ўрнини белгилайдиган стратегик ресурсга ҳам айланмоқда.

Бугун сунъий интеллект технологиялари саноат, қишлоқ ҳўжалигидан тортиб, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва бошқа муҳим йўналишларга фаол кириб бормоқда.

Албатта, глобал технологик юксалиш даврида бу энг муҳим янгиланиш. Барча

соҳа ва тармоқларда модернизация, рақамли трансформация жараёнини амалда қўллаётган Ўзбекистон учун сунъий интеллектдан фойдаланиш бу мақсад йўлидаги муҳим қадамдир.

Давоми 5-бетда

ХАЛҚАРО ДАРАЖАГА ЧИҚҚАН МИЛЛИЙ МОДЕЛЬ

(Биринчи мақола)

Камбағаллик ва унинг тарихий илдизлари

Камбағаллик масаласи инсоният тарихида доимо долзарб бўлиб келган. Ҳар бир даврда уни бартараф этишга қаратилган иқтисодий, сиёсий ва маънавий чоралар қўрилган. XXI асрда камбағаллик нафақат алоҳида давлатлар, балки дунё миқёсида глобал муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Шу боис, халқаро ташкилотлар, ҳукуматлар ва фуқаролик жамияти институтлари бу соҳага оид кенг қамровли стратегиялар ишлаб чиқмоқда.

Дунё аҳолисининг камбағаллик даражаси географик жойлашуви ва аҳоли зичлигига қараб фарқ қилади. Уни аниқлаш учун ягона андоза йўқ. Шунинг учун ҳар бир мамлакатда камбағалликни аниқлашнинг ўзига хос усуллари ва ёндашувлари мавжуд.



Дунё камбағаллиқнинг келиб чиқиши турли омилларга боғлиқ. Иқтисодий инқироз, ишсизлик, саноат рентабеллиги ва саноат маҳсулотига талаб пастлиги асосий омил

Буюк ўзбек йўли

ҳисобланади. Шунингдек, ногиронлик, узоқ муддатли касаллик, кексалик, оилада ота-она йўқлиги ва бир оила қарамоғида кўп шахслар борлиги, таълим даражаси

15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни

САБОТ ВА БАРДОШДАН ЯРАЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

Чўл шунчаки табиат манзараси эмас. У бир олам синов, бир дунё сабоқлар макони. У ерда ҳаёт ҳам, вақт ҳам бошқача ўтади. Чўлда тирикчилик синов, яшаш эса жасорат, ҳар бир қатра сув қадри, ҳар бир соябон ҳазина. Бунда бир кун жазирема имтиҳон қилса, яна бирида совуқ танангизни титратади. Аммо айнан шу қарама-қаршилиқлар инсонни тоблайди, уни чин маънодаги сабр ва матонатга ўргатади.

Давоми 4-бетда





КўП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА



Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Қўшни мамлакатлар билан чегаралар очилиши, иқтисодий, савдо, маданий-маърифий, умуман, барча соҳалардаги ҳамкорлик халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустақамлаш баробарида умумий иқтисодий ўсишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яъни муносабатлар нафақат иқтисодий манфаатдорлик, балки ўзаро ишонч, дўстлик, яқдилликка асосланганлигини кўриш мумкин. Минтақа давлатлари умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, барча масалада бир-бирини қўллаб-қувватлаш орқали янада ривожланишга интиляпти. Бу жараёнларда эса Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси тобора мустақамлашни бораётди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президентини этиб сайланганидан сўнг минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатлар динамикаси тубдан ўзгарди. Сиёсий ирода ва очик мулоқот туфайли Ўзбекистон барча қўшнлари билан чегараларни делимитация қилишни яқунлади ва бу минтақада барқарорлик йўлида муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари сиёсати нафақат мамлакатлар ўртасидаги дўстликни мустақамлашга хизмат қилди, балки иқтисодий ўсиш ва маданий алмашинув учун янги уфқларни очди. Ўтган саккиз-тўққиз йилда Марказий Осиё тубдан ва сифат жиҳатидан ўзгарди. Ягона минтақа сифатида шаклланиб, халқро ҳуқуқ субъектига айланди.

Президентимиз нафақат қўшни мамлакатлар билан очик ва амалий ҳамкорликни ривожлантиришни ташқи сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида кўрди, балки Ўзбекистон билан ижтимоий-сиёсий, бизнес, савдо-сотиқ — иқтисодий шартнома ва келишувларга тайёр бўлган Россия, Хитой, Европа мамлакатлари, океанorti давлатлари, турли халқро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда Ўзбекистон бутун дунёга очилди. Аниқсаса, минтақавий ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида ургу бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон ташқи сиёсатида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳам шундай муҳим платформалардан бири.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг МДХ ишидаги иштироки фаоллашиб, ҳамдўстликка аъзо давлатлар билан ҳамкорлиги турли йўналишларда изчил ва хар томонлама ривожланиб бормоқда. Хусусан, давлатимиз

раҳбари ўтган саммитларда МДХ мамлакатлари тараққиётига ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилаётган 100 дан ортиқ ташаббусни илгари сурган.

Шу йил 10 октябрь кунин Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгашидаги нутқида ҳам Президентимиз қатор ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни таклиф қилди.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши Ўзбекистон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва қарашларни солиштириш майдони эмас, балки устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг ғоят муҳим институти ҳисобланади. Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар эса Ўзбекистоннинг доимий шериклари, қўшнлари ва дўстларидир. Шу боис, юртимиз ўзаро муносабатларда ҳаммаша қатъий, собит туришга интилади, манфаатли ҳамкорликни илгари суради.

Мамлакатимиз ташкилот доирасида барча соҳаларда ҳамкорликнинг ижобий динамикасини сақлаб келмоқда. Хусусан, ушбу тузилма маконида Ўзбекистон учун кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий йўналишлар қаторида катта қизиқиш уйғотмоқда. МДХ доирасида эркин савдо зонаси

Ўзбекистоннинг ташкилотдаги ташаббускорлиги, аниқ ғоя ва таклифлари унинг ишини жадаллаштирди, МДХ фаолияти янги мазмун билан бойиди. Давлатлараро муносабатларда принципал жиҳатдан ўзига хос саҳифа очилиб, кенг қўламли ва самарали шерикликни кенгайтириш учун қўлай имкониятлар яратилди.

МДХ маконида тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ва транспорт боғлиқлигини мустақамлаш муҳим. Ўзбекистон ушбу жабҳада мазкур тузилмага аъзо давлатлар билан ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жумладан, Душанбе саммитида Президентимиз илгари сурган амалий таклиф ва ташаббуслар етакчи сиёсатчилар, экспертлар томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланганига гувоҳ бўлди.

Саммитда мамлакатимиз раҳбари ўткир, долзарб ва аниқ таклифларни илгари суриб, МДХ доирасидаги шерикликни мустақамлашнинг муҳим йўналишлари юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида МДХ маконида кўп

лик масалалари бўйича МДХ мамлакатлари конференциясини Ўзбекистонда ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу нафақат юк ташиш самарадорлигини ошириш, балки минтақавий савдо айланмасини кўпайтириш, янги транзит йўналишларини очиш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга замин яратяди.


“Мамлакатимиз етакчисининг махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга оид “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, МДХ венчур платформасини яратиш орқали стартаплар ва инновацион ғояларни молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш таклифи ҳам ҳозирги рақобат муҳитида ниҳоятда муҳимдир. Зеро, бу инновацион иқтисодиёт сари қадам ташлаш, илмий изланишлар ва технологияларнинг амалиётга жорий этилишига кенг йўл очади.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент шаҳрида “ИННОПРОМ” кўргазмаси доирасида МДХ инновацион саноат форумини ўтказиш таклифи ҳам энг муҳим қадириқлардан бири бўлди. Бу қўшма ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳофама қилиш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, замонавий технологиялар алмашинувини йўлга қўйиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Натижада аъзо давлатлар ўртасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзаро боғлиқлик кучайди, маҳаллийлаштириш даражаси ошиб, экспортга йўналтирилган янги қўшма корхоналар ташкил этилади.

Сирасини айтганда, Президентимизнинг ушбу нутқи қўллаб эзгу мақсадларни қўзлагани билан тарихий аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги зиддиятчи ва мураккаб геосиёсий вазият, дунёнинг баъзи мамлакатлари дуч келётган кескинликлар фониди МДХ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ва кўп томонлама ҳамкорлик минтақамиз, хусусан, Ўзбекистон учун тинч ва барқарор ривожланишда жуда муҳимдир.

Саммит якунида МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича имзоланган келишув ва қарорлар, шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва халқимиз фаровонлигини оширишга яқиндан ёрдам беради.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар қисқа муддатда бутун минтақада уйғун иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, ўзаро манфаатли ва ишончли ҳамкорликни, миллатлараро дўстлик ришталарини мустақамлашда ўз натижасини беришига ишонамиз. Зотан, ушбу таклифлар МДХ доирасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.



НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШДА ЯНГИЧА ТИЗИМ

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш хар бир демократик жамиятнинг энг муҳим қадриятларидан бири. Бунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари алоҳида аҳамиятга эга, улар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида ҳимояланиши қафолатланган бўлиши зарур. Бугунги даврда бу йўналишда ўзига хос ютуқлар баробарида қатор жиддий муаммолар ҳам мавжуд. Мисол учун, жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг аксарияти соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдалана олмайди.

Ногиронлиги бор болаларни таълимга жалб этиш ва зўравонликнинг турли шаклларида ҳимоялаш ҳам долзарб вазифа. Жаҳон ҳамжамияти бу борада бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари бўйича махсус конвенцияси дунёнинг қатор давлатлари томонидан ратификация қилинган ва унда белгиланган вазифалар ижроси бўйича иш олиб бориляпти.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда ижтимоий давлат мақомини ўз зиммасига олган Ўзбекистон учун ҳам бу таъминлашнинг рўёбга чиқариш устувор аҳамият касб этади. Жумладан, Бош қонунимизга кўра, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида. Шунга мувофиқ, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратяди, ишга жойлаштириш, таълим олишига қўмақлашяди, уларга зарур бўлган ахборотни тўққилликсиз олиш имкониятини таъминляпти.

Ҳозирги кунда юртимизда ногиронлиги бўлган 1 миллионга яқин шахс, жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача бола бор. Инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган мамлакатимизда барча фуқароларимиз каби ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг турли соҳаларида иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш бўйича давлат томонидан тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

“Эндиликда тиббий ижтимоий экспертиза тизимида ягона ёндашувни шакллантириш мақсадида ҳудудий ТИЭКларга услубий қўмак берилади. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида Республика тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ташкил этилди. Бу комиссияларда терапевт, невролог, хирург, педиатр врач-эксперт лавозимига ишга қабул қилиниши мумкин бўлган тиббий мутахассисликлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

2020 йилда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилингани бу борадаги ишларни янада жадаллаштирди. Мазкур қонун билан имконияти чекланган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини қафолатлашга оид қатор масалалар қонун даражасида белгиланди.

2021 йилда Ўзбекистон парламенти томонидан БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди. Шу билан бирга, юртимизда барча инсонлар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун бир хил имкониятлар амал қиладиган инклюзив жамиятни барпо этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ногиронлиқни белгилашнинг аллақачон эскирган тиббий моделидан умумэтироф этилган ижтимоий моделига босқичма босқич ўтиш кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 сентябрдаги “Ногиронлиқни белгилаш тизими рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим асос бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ушбу тизимга бир қатор ўзгартиришлар киритилимоқда. Ногиронлиқни белгилаш масаласидаги ўзгаришлар шулардан бири.

Илгари туғма ёки орттирилган хасталиклар туфайли ногиронлик гуруҳига киришга эҳтиёж сезган фуқаролар бир неча босқичда тиббий қўриқдан ўтиши, даволаниши, бир қанча ҳужжат йиғиши талаб этилар, бу ўзи хаста инсон учун оғир ва ташвишли жараён эди.

Президентимиз раислигида шу йил 7 май кунин тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни тақомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видео-селекторда соҳадаги қўллаб-қувватлаш масалалар қаторида ногиронлиқни белгилашда

қарор билан ўзгалар парваршишга муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликлари рўйхати янги таҳрирда тасдиқланди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсини реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида электрон шакллантирилиши белгиланди.

Эндиликда тиббий ижтимоий экспертиза тизимида ягона ёндашувни шакллантириш мақсадида ҳудудий ТИЭКларга услубий қўмак берилади. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида Республика тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ташкил этилди. Бу комиссияларда терапевт, невролог, хирург, педиатр врач-эксперт лавозимига ишга қабул қилиниши мумкин бўлган тиббий мутахассисликлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Бутунжаҳон стандартлар кунин муносабати билан пойтахтимизда “Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги инновацион ғоялар ва ишланмалар” кўргазмаси ҳамда “Йил стандартчиси — 2025” ва “Сифат соҳасидаги муваффақият” миллий мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими ташкил этилди.

Стандартлаштириш

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон стандартлар институти томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирга Тошкент шаҳридаги “ИННО” инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопарки мезбонлик қилди. Унда маҳаллий ва хорижий олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирок этди.

Меҳмонлар эътиборига кўргазма доирасида стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги инновацион лойиҳалар ва ечимлар ҳамда экспонатлар ҳавола этилди. Кўргазманинг “Стандартлаштириш тизимлари ва уларни амалиётда қўллаш”, “Метрология соҳасида янги асбоб-ускуналар ва ўлчов технологиялари”, “Мувофиқликни баҳолаш методлари ва сертифицикатлаш тизимлари”, “Илгори ишлаб чиқариш технологияларини сертифицикатлаш”, “Ишлаб чиқаришнинг рақамли трансформацияси ва унга тегишли стандарт

лар” каби бўлимлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунин Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ва Савдодаги техник тўқсиқлар тўғрисидаги битим асосида тақомиллаштирилмоқда, — дейди Ўзбекистон стандартлар институти директори Абдурауф Абдуқаюмов. — Ушбу қонуннинг қайта кўриб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши стандартлаштириш соҳасини халқро тажриба асосида тақомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЖСТ каби халқро иқтисодий тузилмаларга тезкор интеграциясини таъминляйди. Бу эса мамлакатимизга ташқи савдода ўз позициясини мустақамлаш, шунингдек, хар томонлама манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш имконини беради.

2024 йилнинг ўзида 1739 та халқро стандарт қабул қилиниши натижасида миллий стандартларнинг халқро стандартлар билан уйғунлашиш даражаси 2023 йилдаги 24,2 фоиздан 30,6 фоизга етказилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ўтган



йил 10 октябрь кунин техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар тўғрисида ўтказилган тақдиротда берган топшириғига асосан 2025 йилда миллий стандартларнинг халқро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари учун долзарб 2590 та халқро стандарт рўйхати шакллантирилиб, стандартлаштириш бўйича техник қўмактар ҳулоасига асосан мамлакат ҳудудида қабул қилинди. Натижада жорий йилнинг ўзида 4090 та стандарт қабул қилинди.

Нодир МАХМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни

САБОТ ВА БАРДОШДАН ЯРАЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

Бошланиши 1-бетда

Ана шу дашт бағрида камол топган, табиат билан юзма-юз, ҳаёт билан беллашиб яшайдиган фидойи инсонлар бор. Шулардан бири Нуробод туманида яшайдиган чўпон аёл, меҳнаткаш ва фидойи инсон Раъно Хўшиевадир. Чўпон опа билан суҳбат қуриш мақсадида туманининг чекка ҳудудларидан бирига йўл олдик. Узоқ йўл, даштнинг бепоён кенглиги ора-лаб кетарканмиз, бу ерда яшайдиган-ларга осон эмаслигини яна бир бор ҳис қилдик. Ҳар қадамда табиатнинг қаттиққўл қонунилари, ҳар қарашда ҳаёт учун кураш намоён. Бу ерда яшаш нафақат жасорат, балки ирода ва бағрикенглик талаб қилади.

Манзилга етиб келганимизда чўпон опамиз таъдирда нон ёпаётган экан. Биз-ни самийнинг ила қарши олди. Табассум билан иссиқ нон узатди. Атрофни ноннинг ёқимли иси тутди. Опамиз эса сал нарида қайнаётган қумгондан эпчиллик ила чой дам-лади. Қадимги қора қумгонга қараб, қизиқи-шимизни пайқаган опамиз табассум билан сўз бошлади: “Буни бизда “чойдиш” дей-ди. Унда қайнаган чойдан бир ичиб кўринг, таъми умуман бошқача. Чойдишда сув доим қайноқ туради. Буни табиий термос деса ҳам бўлади. Унинг сири янтоқ ва қўй қийида. Ик-кисини аралаштириб ўчоққа қаласангиз, бир неча соатгача чўғи ўчмайди”.

Ростдан ҳам қумгон чойи ўзгача экан. Йўл бўйи сезилган чарчоқни тезда босди.

Отарни айланиб, қўй ва қўзичоқлар жуда яхши парвариш қилинаётганини сездик.

— Ҳар бир қўйга алоҳида меҳр билан қарайман. Ёшлигимдан қўзичоқларни жуда яхши кўраман. Отам ҳам чўпон эди. Болали-гимда отаримизда ҳар бир тутилган қўзига ўзимча исм қўярдим. Улар мен учун шунча-лик қадрили эдики, ҳатто бир куни бир қўзини қорақўл теричиларга бермайман деб ҳархаша қилганман. Отанинг босиқлик билан ту-шунтириши сабаб қўзини теричиларга бер-ганман. Энди барчаси ўзгарди. Янги тутилган қўзичоқлар теричиларга берилмади. Аксин-ча, уларни ўстиришга қолдирамиз. Бу эса ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри йўл. Қўйлар табиий йўл билан қўлайиб, ота-римиз йил сайин кенгаймоқда, — дейди опа.

Атрофда ем-хашак ва янтоқ гарамлар пирамида шаклида тахланган. Айнаи пайтда янтоқнинг тикани қаттиқ бўлса-да, қишда очик майдонда қор-ёмғирда туриб юмшай-ди. Шу сабаб қўйлар уни бемалол ейди.

— Ҳозир чўпоннинг гами ем-хашак йиғиш, кишга тайёргарликда. Қанча кўп захира қилсак, қўйларимиз қишдан шунча қийналмай чиқади, — дейди опа.



— Менинг ҳам, хўжайинимнинг ҳам аждодларимиз чўпон бўлган. Даштнинг ўзи-га хос ҳикмати, жонли ҳаёти бор. Сизларга сукунатдек туюладиган бу кенглик мен учун тирик олам. Қўй-қўзилар азалли сирдошлар-им. Бу ерда қўй боқаман, овқат тайёрлай-ман, куни билан ҳаракатдаман, зерикишга умуман вақт йўқ, — деб самийий сўзлайди чўпон опамиз.

Баъзи илмий манбаларда қайд этилгани-дек, хайвон парвариши инсоннинг салбий аураси ва руҳий зўриқишини камайтиради, қалбига осойишталик бахш этади, руҳий со-кинлик беради. Шунингдек, инсон ўзи се-ван иш билан машғул бўлса, ҳаётдаги турли муаммо ва стресслардан тезроқ халос бўла-ди. Хусусан, нафақа ёшида бўлса-да, опа-нинг шижоатли, тетик юриши ҳам сеvimли машғулоти — чўпонлик билан боғлиқ экани-га шубҳа йўқ.

— Қўлчилик мендан “Чўлда хазина топганмисиз? Аёл кишига чўпонлик қи-йинмасми?” деб сўрайди. Йўқ, қийналмай-ман. Чунки бу ерда табиатнинг ўзи менга ҳамроҳ. Хайвонлар, дов-дарахтлар — барча-си мен билан. Буларнинг ўзи хазина эмасми?! Одамлар орасида, атрофда юзлаб инсонлар бўла туриб, қалбан ёлғиз қолишдан кўпроқ кўрқаман. Шунча йил чўпонлик қилиб, олис даштда бўлсам-да, қўй-қўзилардан ортиб, фарзандларимнинг таълим-тарбияси билан шуғулландим. Тўғри, чўпон бўлиб балки уларга дунё тортиқ қилолмайди, лекин тўғри тарбия бердим. Энди ўзлари дунени топти. Чўлда яшашимдан, чўпон эканимдан ҳечам афсусланмайман. Аксинча, фахрланаман.

Бир аёл нимани орзу қилса, шуларга эриш-дим деб ўйлайман. Ҳозир фарзандларим ёнимга кирган, рўзгор ташвишини олган. “Она, энди дам олинг, санаторийларга бо-ринг”, дейди. Лекин ҳеч бекор ўтира олмай-ман, — дейди Раъно опа.

Опанинг самийий сўзларида ифти-хор билан тавозеининг уйғунлиги бор. Унинг саботли ҳаёти чўл бағрида ўтди. Ана шу машаққатлар ичра доим эртанги кунга ишонч сўнма-ди. Меҳнат қилиб, оиласига са-доқат ва муҳаббат билан яшади. Бугун буларнинг барчаси қаҳра-номимизнинг қиёфасида, сўзлари-да намоён бўлади.

Биз чўпонларда болани қўй-қўзилар билан дўст тутинти-радиган одат бор. Масалан, бола ҳали оғзида тиши чиқмасидан уни сурувдаги энг бақувват, энг чирой-ли қўзичоқнинг устига миндириб оламиз. Халқимиз “Шундай қилсак боланинг тиши чиройли, соғлом чиқади. Ризқи кўп бўлиб, баракали ҳаёт кечи-ради” деб ишонган. Бола эсини танигандан бошлаб унга қўрадаги ўзига ёққан қўйни кўрсатиб, “Бу сеники”, дейимиз. Шундан бошлаб бола ўша қўйни ўзиники деб би-либ, унга меҳр қўяди. Ўзи қарайди. Ана шунда бола чорвага, меҳнатга бегарз муҳаббат билан улғаяди.

Чўпон уйининг атрофида тарвақайлаб ўсган исириқлар эътиборимизни тортди. “Қўйларимизнинг гўшти нима учун ширин бўлишининг сирини биласизми?” дея суҳ-батимизга қўшилиди Раъно опанинг турмуш ўртоғи Ўрол ака. “Қўйлар кунига шу иси-риқдан ва бошқа доривор ўтлардан ейди. Қўлдан ем берилмайди. Шунинг учун қўй-ларимиз гўшти нафақат ширин, балки ши-фобахш ҳам бўлади”.

Шу тарзда Раъно опа билан қизиқарли суҳбатимиз анча вақт давом этди. Бу меҳнат-каш аёлнинг самийий сўзларида чуқур ҳаёт тажрибаси, феъл-атворида шижоат, дилида эса ҳаёт ҳақиқатлари, сабот ва бардошдан шакланган бахт мўжассам.

Ҳа, баъзан инсон бахтни узоқдан ахта-ради. Ён-атрофидagi оддий гўзалликлар-ни англай олмайд. Аслида, бахт қаерда яшашингдан ёки қандай касбда ишлашингдан эмас. Бахт инсоннинг қалбидagi шуқрона-ликда, ҳаётдан рози бўлишда! Яқинлари, се-vimли инсонни борлигида. Ўз касбига меҳру эътиборида. Раъно Хўшиева тимсолида биз айнан ана шундай ҳаёт фалсафасини кўрдик. У бахтни меҳнатда, ҳалолликда, ҳаловатда деб билади.

Шухрат НОРМУРОВОВ,
журналист

Обод манзиллар

Богбон ҳар кунги одатига кўра эрта тонгдан бог оралайди. Қўлига қайчи олиб, тоқларга назар ташлайди. Ўзича нималарнидир чамалаб кўради. Бу йилги ҳосилининг чўғи баланд бўлганидан юзига табассум югуради. Айрим ток баргларини қўлига олиб, эътибор қаратади. Касалик аломати йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, яна юришда давом этади. Шу кетганча бог адоғига қадар тоқларни кўздан кечириб боради. Баъзи жойларда қолиб кетган маржон донасидай узумларни узиб олади-да, бир оз иккиланиб, бошидаги дўпписини ечиб, ичига солади. Бу бугун бўлаётгани йўқ. Аслида, ҳар сафар қўлига бирор сават олиб келишни мақсад қилади. Аммо кўпична хотираси панд бериб, дўпписини “сават” қилади. Бугун ҳам шу ҳолат. Яна икки-уч жойдаги қалин барглр орасида қолиб кетган мевани узиб олади.

Дўпписини қўсига босиб, узум тўкилиб кетмасин дея оҳиста ортига қайтади. Богнинг бошига келиб тўхтади. Икки эгат тоқнинг ҳосили ҳали узилгани йўқ. Озроғини қўшни маҳалладан буюртма қилиб кетишган. Тўйи-га олиб кетмоқчи. Қолганини бозорчиларга сотади. Кенжабойининг тўлов-шартнома пу-лини тўлаши керак. Етиб қолар дея тахмин қилади. Қўлидаги узумни бир четга қўйиб, эгат охирига қадар юради. Тоқлар кўтари-либ, вайиш қилинган боис, бошни бир оз эгиб юриш лозим. Ҳар бир бош узумга назар ташлаб, 6-7 миллион сўмини чамалаб, кўнгли хотиржам бўлади.

Кейинги ариқдаги ҳосилга тегиб бўлмай-ди. Аёли набиралари учун асраб ўтирибди. Ўғли Андижонда ҳарбий шифокор. Яқинда келини, набиралари билан келади. Бу йил-ги узумдан еб, бир маза қилсин... Айниқса, набираларининг қувончини кўргач, чарчоғи унут бўлади. Уларнинг бидирлаб айтган са-волларига жавоб бериб ҳузуруланади. Тоқ-зорга етаклаб кириб, богдорчилик сирлари ҳақида гапириб беради. Ахир богбонлик — отамерос ҳунар. Бу авлодларга ўтishi лозим. Шу сабаб кўпроқ ўргатишга ҳаракат қила-ди. Катта набираси ўғитларини хотирасида



ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ МАҲАЛЛА

Бағдод туманидаги “Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Нурматжон Ғозиев мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуг 34 йиллик шодиётини кунлариди “Шухрат” медали билан тақдирланди.

Чекхитой тумандаги энг чекка маҳалла-лар сирасига қиради. Бир томони Марказий Фарғона ерларига туташган маҳалла йиллар давомида эътибордан четда қолганди. Тоza ичимлик сув, йўл, электр таъминоти каби ин-фраструктура тармоқлари ҳаминқадар, ишлаб қуришчи ҳақида йўлаш ҳам хато бўларди. Шу боис, аксарият ёшлар ишсизлик сабаб хорикга кетарди.

Янги Ўзбекистонда орта қайтмас тус олган ишлорлар ана шу чекка маҳаллада ҳам ўз акси-ни топди. Хусусан, маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилгач, ҳаётбахш ташаббус қўлоқ ёйди. Янги тизим аҳолини бир мақсад йўлида бириштирди. Муаммоларни ўрганиш, ҳал қилиш, қўллаб-қувватлашга кенг йўл очил-ди. Маҳаллада янги трансформатор, симёғоч ва тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Шунингдек, бир жўфт қўлқў қазилиб, 5,5 километрдан зиёд-роқ тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. “Таша-бусли бюджет” лойиҳаси ва бошқа дастурлар



доирасида ички йўлнинг 12 километри асфаль-ланди, шағал ётқизилди. Фуқаролар йиғини учун замонавий бино қурилди.

Хомашёдан қўшилган қиймат занжирини яратиш борасидаги лойиҳа чекка қишлоққа янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Шу тарика маҳалла ишсизлик, камбағалликдан холи ҳу-дудга айланди. Жорий йилнинг шу кунига қадар ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож 130 оила камбағалликдан чиқарилди. Тадбир-корлик, томорқчилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини қамраб олган

микролойиҳа, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун 700 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит берилди. Камбағал, ижти-моий реестрга кирган оилаларни камбағал-ликдан чиқариш мақсадида улар салоҳиятли тадбиркорларга бириктириляпти. Шунинг-дек, касб-ҳунарга ўқитилиб, экин учун ер берилмоқда. Натижада томорқа ва экин май-донларидан бир эмас, 2-3 марта ҳосил олиш, бугдойдан бўшаган майдонларда тақрорий экин экиш, ҳосилни сақлаш ва сотиш бораси-да тажрибалаб оммалашди. Кейинги уч йилда миграциядан қайтган, ижтимоий ҳимоя даф-тарларига киритилган 165 ёш ва хотин-қизга 21 гектар экин майдони ажратилди.

— Маҳалламиз саноатлашиб бормоқда. Бундан уч йил олдин бор-йўғи 2-3 тадбиркор бор эди. Бугун уларнинг сафи ўттиздан ошди, — дейди ҳоким ёрдамчиси Нурматжон Ғозиев. — Биринчи чоракнинг ўзида умумий қиймати 500 миң доллардан ортиқ моchalка ва супурги экспорт қилинди. Йил якунига қадар бу миқ-дор бир миллион долларга етади. Бу ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ, албатта. Шу кунга қадар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 30 та микролойиҳа ва “Бизнессга би-ринчи қадам” дастурлари асосида 100 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилди. На-тижада 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шу каби ишлар маҳалламизни ишсизлик, кам-бағалликдан холи ҳудудга айлантирди. Ўтган йилнинг ўзида камбағал оила реестрига кирган 51 та оила тикув жиҳозлари, 20 та оила коопе-рация асосида 3 тадан асалари оиласи билан таъминланди. Айти кунда 20 та оила томорка-

сида субсидия асосида сўритоклар қурилди. Бу келгуси мавсумда аҳолини барқарор даромад билан таъминлайди.

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили жорий қилиниб, моchalка ва супурги етишти-риш, қайта ишлаш йўналишида 4 та коопе-рация ташкил этилди. Улар ташаббуси билан аҳо-ли ва фермерларга сархил уруғ етказиб бериш, тайёр хомашёни далаининг ўзида сотиб олиш тизими йўлга қўйилган.

Дилсевар Иброҳимова бу ерга келин бўлиб тушгач, вақтинча ишсиз қолди. Тикувчилик малакасига эга бўлган аёл ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан ўз хонадонида моchalкани қай-та ишлашни йўлга қўйди. Аввалгига субсидия асосида 10 та тикув машинаси, 50 миллион сўм имтиёзли кредит берилди.

— Оддий моchalкадан 16 хилдан ортиқ таби-ий маҳсулот тайёрлаймиз, — дейди тадбиркор. — Ишлаб чиқариш цехимизда 30 та доимий иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, 30 та хонадон билан касаначилик асосида ишляптимиз. Маҳсу-лотимизга ички ва ташқи бозорда талаб юко-ри. Шунинг ҳисобига олиб, 120 нафар деҳқонга хомашё етиштиришда амалий ёрдам берамиз.



Бу йил маҳсулотларимизни онлайн платформа-га чиқариб, савдо алоқаларини йўлга қўйди. Россияда савдо уйи очдик. Мақсадимиз — бу йўналишда кластер асосида ишлаш. Ҳозир йиллик айланма маблагимиз 1,5 миллиард сўм-дан ошди.

Муқаддасхон Жалилова ишсизлик боис, “Аёллар дафтари” та киритилган оила бекаларидан. Унга имтиёз асосида 15 сотих ер ижара-га берилди. Эрта кўкламда ерга моchalка уруғи экиди. У бўйи чўзгунча, сабзавот экиб, яхшигина даромад олди.

— Бир донa моchalканинг улгуржи баҳоси 10 миңг сўм. Бу бир мавсумнинг ўзида 35-40 миллион сўмдан ортиқ даромад олиш имкони-ни бермоқда, — дейди оила бекаси. — Бундан ташқари, касаначилик асосида маҳсулот тайёр-лаб ҳақ оламиз. Бизга ҳам янги тикув машина-си беришди. Энди келинларим билан ўзимиз етиштирган хомашёни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу оиламизга қўшимча даромад олиб кирди.

Айни кунда маҳалла ҳудудидан ўтган хал-қаро аҳамиятга эга автомобиль йўли бўйида 90 та замонавий хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш объекти қурилмоқда. Бу бир вақтнинг ўзида 300 га яқин қўшимча иш ўрни яратди. Хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириб, аҳо-ли фаровонлигига хизмат қилади.

Сирасини айтганда, ҳалол меҳнат билан топилган даромад оилалар фаровонлигини таъминляпти. Замонавий уй-жойлар, қўлай инфрақурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш тар-моқлари, қўчаларни тўлдириб юрган автома-шиналар карвони ана шу меҳнат ва изланишлар маҳсули.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



У осмондан кўз узмай, қотиб турар экан, шу ҳолатида қадим харобалар марказидаги мухташам ҳайкалга ўшарди. Эҳтимол, у ҳозир олис болалик йилларини кўмсаётгандир. Мана, беш-олти ёшлардаги бола бобоси билан гуваладан кўтарилган, зах туфайли бир-бирига қапишиб кетган уйлардан бирининг яси томида туриб, фусункор кечанинг сеҳрига берилганча ҳадсиз сенгликларга назар ташлаб турибди. Юлдузлар ложувард гумбазни бола кўнглидаги севинчдай тўлдирган. Ерга сўзиб узатилаётган бир коса сутдек оппоқ оймомо эса, қўл чўза етгудек яқин масофада тургандек туюлади. Бу ажиб манзарага маҳлиё бўлган бола бобосига ҳадеб ялинади:

— Бобо, ойгача нарвон ясаб беринг. Ҳозир ясаб беринг, бобо, бобо, дейман!
Бобо болани чалғитишга озгина уринади-ю, набирасининг хархашаси ўзигаям хуш келгандек индамай қўяди:
— Бобо, нарвоооо!..
Адиб тасавурида тавдаланган бола сиймосига четдан тикилиб турар экан, унинг қараётганини бобо ва набира семаётганини пайқади...

Уша сониядаги хузурбахш ҳаяжони ва титроғини бутун умр ҳис этиб юрди. Бир сиқим тўла момақаймоқдек тиник, ҳамиша сеҳрли ва жозибали ой унинг севиғи рамзига ўйлаганидан анча олдин айланганини англади. Орадан бир неча йиллар ўтиб, ўзининг илк шерьий сатрларини битганда, ненидир қоралаганда улар остига ана шу беқеъс муҳаббатга пайвор бўлган тақдир сўзи билан имзо чекди: **“Ойбек”**.

Навоий номидаги таълим ва тарбия техникумида тахсил олган Ойбек дўсти Ҳомил Ёқубовнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан ўша йилларни хотирлаб, бундай ёзади: *“Эрталаб қора нону олма чой тегар, қонда турган шакарни “иктисод!” деб зикна директориимиз егизмасди. Дарсдан сўнг пешинда овқатга шошардик. Қурмакли оқшққ гурунчдан қилинган, аммо серғўшт паловни суюниб ошардик. Кечқурун эса ҳамиша мошқўрда. Мураббийлар мошқўрда, унда фосфор кўп, деб мактабдилар”*.

Наим Каримов **“Ойбек”** рисоласида Ҳомил Ёқубов ва Миркариб Осим хотираларини қораларкан, техникумдаги ёши кичикроқ болалар бир коса мошқўрда билан бир бурда нонга қаноат қилар, аммо ёши каттароқ талабалар кўшимча овқат сўрашда мажбур бўлишини қайд этади. Новча ва чайир йилгитча — Мусо эса ҳаммадан олдин овқатни ичиб бўлиб, қошиқни косага *“тақ”* этиб урар ва: *“Тақ этди, шақ этди — бир коса овқат қақ кетди”*, деб ҳазиллашиб кўяр экан.

“Овқатдан кейин, — ёпоқда сабоқларимиз машғулотга киришардик. Математика, физикадаги масалаларни ҳал этиб, сўнг адабиётда музокарага, шеър ўқишга ўтардик. Узок қоқ ярим кечаларга қадар ўтишардик. Азонада муаллими, мураббийларимиз уйготар, яна синфга, дарсга шошамиз!”.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақланган.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
34751 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Аслиддин Абдураззоқов
Мусаххас: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 20:50 Топширилди — 23:10

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05